



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

БУГУННИНГ ГАПИ



ХИРМОНГА БИР ҲОВУЧ ҲИССА ҚЎШДИКМИ?

Бугун вилоятимизнинг уфққа туташ минглаб гектар пахтазорларидаги мўл ҳосил баракаси кўзни яшнатмоқда, қалбларга шукроналик ҳиссини солмоқда.

Ноннинг ушоғи ҳам нон бўлганидек, чаман бўлиб очилиб турган пахтанинг ҳам ҳар бир чаноғи чинакам "оқ олтин". Бинобарин, жаҳон бозорига ўзбек пахтасига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳаминча юқори бўлиб келган.

Халқимизда "Ҳашар – элга ярашар" деган гап бор. Юртдошларимиз ҳаминча пахтани сўнги мисқолигача йиғиб-териб олишга баҳоли қўдрат ҳисса қўшишга одатланишган. Бундай паллада деҳқонларимиз ёлғизлаб қолмайдилар. Терим бошланса бас, тўрт ендан маҳалла-қўй, қўни-қўшни ердамга келади. Бу халқимизнинг ўзаро ҳамжихатлиги, меҳр-оқибатлигининг ёрқин намоёиши. Шунинг учун вилоятимизнинг беистисно барча туманларининг уй-рўзгор юмушларининг уш аҳолиси пахтазорларда ошмакда.

риб қўйган ўнлаб илгор фермер хўжаликлари номини маълум қилган. Ғолиблар сафи кун сайин кенгайиб бораёпти. Хусусан, Бек-обод туманидан "Сардор полвон файз", "Аҳмадов Бобур агро", "Рустамов Қаҳрамон", Бўка туманидан "Оққуш" ва "Бирлик", Қўйчилик туманидан "Азимбой-ота", "Посбон" ва "Саид Эркин", Оққўрғондан "Мусурмонжон Йўлдошев", "Йўлчи ўгли Акром" ва "Сарбон Самандар", Пискендан "Иноатов Бекзод", Чиноз туманидан "Дур Ваҳаб дурдониди", "Абдулаҳатов Дилшод", Юрчилик туманидан "Жалолиддин Шухрат", "Туленов Мамашарип", Янгийўл туманидан "Пўлатбек Шерали" фермер хўжаликлари шартнома шартларини адо этиб, энди қолган ҳосилнинг ҳам сўнги мисқолигача вилоят хирмонига тўкишга ҳаракат қилмоқдалар.

Шундай масъулиятли дамларда вилоятимизда яна бир хайрли ташаббус ўртага ташланди. Мавсум якунигача ҳар ҳафтанинг жума, шанба ва якшанба кунлари вилоятнинг пахтакор туманларида оммавий ҳашар эълон қилинди. Вилоят ҳокими барча аҳолига, хусусан, кўпни кўрган нуруниларга, дуоғўй отахону кайвони онахонларга, ҳаминча эл-юрт ичида юрган маҳалла оқсоқолларига мурожаат қилиб, улар орқали барчани – вилоятимиз хотин-қизлари, уй бекалари, ғайрати жўш урган ёшларни пахтазорларга чорлади.

Бинобарин, пахта терими фақат деҳқон ва фермерларнинг эмас, балки Юртбошимиз таъбири билан айтганда, шу юрт меники, унинг қувонч ва шодлиғи менинг ҳам қувонч-шодлигим, деб яшайдиган ҳар бир ор-номусли вилоятдошимизнинг муҳаддас бурчидир.

СУРАТДА: Оққўрғон туманидаги Фазилдин Омонов фермер хўжалиги раҳбари Жуман Омонов давлатга 360 тонна ўрнига 432 тонна пахта топширди. Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

Сўзга чиққанлар ёшлар орасида ичкилик, қашандлик, гнётчандлик каби иллатларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишини ташкил этиш йўл-йўриқлари ҳақида фикр билдирдилар.

Тадбирда иштирок этган ўғил-қизлар ўзларининг қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар. Ирода МАКСУД қизи.

МУНОСАБАТ

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзлаган маърузасини нафақат Ўзбекистон халқи, балки дунёнинг минг-минглаб тинчликсевар ақли ҳаёжон билан тинглади, десак муболага бўлмайди. Маърузанинг мазмун-моҳияти тўғрисида

қўлбас ривожланган давлатларнинг нуфузли оммавий ахборот воситалари алоҳида шарҳ ва таҳлилий мақолалар эълон қилдики, бу – Президентимизнинг оқилона сиёсати, дунё минбаридан туриб инсоният келажаги, тинчлиги, саломатлиги тўғрисидаги муҳим тақлиф-мулоҳазаларига нисбатан қизиқш ва хайрихоҳликнинг яққол ифодасидир.

Дарҳақиқат, Орол муаммоси, нарқобизнес оқибатлари, инсоният тинчлигига ҳавф солаётган терроризм ва унинг бошқа кўринишлари дунё миқёсида ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар сирасига кириб бормоқдаки, буни халқроқ ҳамкорлик доирасида ҳал этиш учун аллақачон вақт этиб келди. Тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз турлича бўлгани билан биз бир заминнинг фарзандларимиз. Бир халқнинг бошига тушган ташвиш бошқа бир халқнинг тинчлиги ва хотиржамлигига путур етказмай қўймайди. Буни муҳтарам Юртбошимиз жуда аниқ факт ва мисоллар билан тушунтириб бердилар.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида минтақада, хусусан, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун Ўзбекистон томонидан 2008 йилда тақлиф этилган БМТ шафёлигида 8+3 мулоқот гуруҳини ташкил этиш муҳимлигини таъкидлагани ҳам катта сиёсий аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон ташаббусининг моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакатини муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажигидан манфаатдор мамлакатлар кўмағига ўзлари ҳал этишлари зарур. Президентимиз маъруза-

сида, шунингдек, жаҳон молиявий инқирози шароитида Ўзбекистонда аксарият давлатлардан фарқли ўлароқ, деярли барча иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши кузатишга далиллар асосида қайд этилгани халқроқ экспертларнинг ижобий эътирофи сабаб бўлди.

Президентимизнинг "General Motors", "Sikorsky Aircraft", "Honeywell" каби йirik компания ва корпорацияларнинг раҳбарлари билан учрашиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашгани халқроқ иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, қўша инвестицион лойиҳаларнинг кўпайиши ва пировардида мамлакатимиз иқтисодиётининг келажақда янада юксалиши учун ўзига ҳоқ талом тоши бўлди, дейиш мумкин.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази эркин фуқаролик жамиятини қуриш, аҳолининг давлат бошқарувидagi ролини, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат идораларининг бошқарув самарадорлигини

юксалтириш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари фаолларининг ҳуқуқий ва сиёсий билимларини ошириш мақсадида турли жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан мунтазам ҳамкорликда ишлайди.

ХОЛИС ФИКР ҚАДРИ

Марказ вилоят миқёсида фаолият юритиши боис, ўз мақсад ва вазифаларини амалга оширишда худуддаги етакчи сиёсий-ижтимоий газета – "Тошкент ҳақиқати"нинг амалий ёрдамини доимо ҳис этиб келади. Газета саҳифаларида ёритилаётган вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид танқидий мақолалар бу борада биз ҳодимлар учун ўзига ҳоқ қўлланма вазифасини ўтаётди. Саббаби, "Тошкент ҳақиқати"ни вилоятда барча соҳаларда олиб бораётган ислохотларнинг натижаларини ўзида акс эттирувчи ойнага қиёс қилиш мумкин. Саноят ва қишлоқ хўжалиги, таълим ва соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқарув соҳаларидаги муаммолар, аҳолининг ушбу фаолият ва ислохотларга муносабати, турли соҳа ва килларнинг фикр-мулоҳазалари, хойларда меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан, йонунлар ва давлат дастурлари ижросини таъминлашнинг аҳоли газетасида ҳолис ифодасини топмоқда. Бу борадаги қимматли маълумотлар марказимизнинг кейинги фаоли-

ят йўналишларини белгилашда катта аҳамиятга эга. Биргина мисол. Газетада эълон қилинган мақолаларда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлири, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ҳамда сиёсий партия куйи бўғинлари фаолиятидаги айрим камчиликлар тилга олинди. Марказ ўтказилажак тадбир ва учрашувларни режалаштиришда, уларда кўтариладиган масалалар ва муҳомазаларни белгилашда бу каби маълумотлардан унумли фойдаланмоқда. Хусусан, жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолини қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қўмақлаштириш уларнинг эркинликларини таъминлаш учун шароит ва қарорлар яратиш мақсадида яқинда Бўстонлик туманида ўтказилган тадбирга ҳам "Тошкент ҳақиқати"да кўтарилган муаммоларни таҳлил этиш асос бўлди, дейиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, газета ҳам билан ҳамнафас, давр руҳини ўзида муҳасам этган нашр ҳисобланади. Шаҳсан ўзим 1995 йилдан буён "Тошкент ҳақиқати" билан ошно бўлиб келаётман. Шунини ишонч билан айта оламанки, ҳақиқат келиб газета юртимиздаги буюк ижобий ўзгаришларнинг ҳолис тарғиботчиси ва барча соҳа вакиллари учун ҳолис фикр айтиш минбарига айланди. Энг муҳими, охирига пайтада газетада умумийлик ва маълумликка барҳам бериб, аниқ ва шикораликка интилаётгани яққол кузатишмоқда. Ёритилаётган мавзу ва кўтарилаётган масалаларнинг анча ойдинлашгани фикримизни исботлайди.

Мен журналист деган улғуномга муносиб бўлишга интилаётган "Тошкент ҳақиқати" жамоасига муваффақиятлар тилаб, ижтимоий ҳаётнинг барча баҳалларида меҳнат қилаётган юртдошларининг ушбу газетасида обун бўлишга даъват этаман.

ИФТИХОР



ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 8 ойлик якунларига кўра, вилоятда жами 58 минг 921 та янги иш ўринлари яратилди.

Бу вилоятимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг бандлик даражасини ошириш, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган саяё-ҳаракатлар ҳамда аниқ йўналтирилган ижтимоий лойиҳалар алоҳида қўлаб ва салмоқ касб этиб бораётганидан далолатдир.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ

Кишилик жамияти пайдо бўлиб-дими, инсон тараққиётга интилади. Нимадир яратди, ниманидир қасф қилади. Ненидир бузиб, ненидир тугатади. Замонлар ўзгаради. Тузулмлар ўрин алмашади. Аммо инсон ҳаётининг маъноси ўзгармайди. ...Агар одамозт бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждани уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади?" дейди Президентимиз. Аммо ана шу ҳақиқатни – яшайдан мақсад нима эканини унутиб қўямиз баъзан.

Кимнингдир оёқ олиши ёқмас, турмуш-тутими, муомала-муносабати гашимизга тегса, уни такаб-бурилқда, манманликда айблаيمиз. Ўзига, оиласига, ота-онасига иснод келтираётганидан огринамиз. Панд-насихат билан йўлга солмоқ бўлаемиз. Аммо бундай хурмача қилиқларни бир киши эмас, бутун бир жамоат қилса-чи...?

"Биз миллий маънавиятимизни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимиизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилишимиз, ўрганишимиз, ҳулоса чиқаришимиз шарт. Зеро, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган тўй, маърака ва маросимлар ўша омилларнинг бир бўлиги ҳисобланади.

Бу муаммо бугун пайдо бўлмаганини биламиз. Аммо унга ўралашиб, "эл қатори", "кўп нима қилса, шу-да" деб яшайверамиз. Мадалаб кетган бу хасталикни даволашга, бизни аждрадек қомига тортаётган бу иллатга қарши курашишга кучимиз етмайди.

Ҳўш, қачон пайдо бўлган тўй-бушамми? Қачондан топан-тўганимизни бир кунда соғурадиган, кулгоғимизга қарзга ботсақ-да, обрў учун қозон-қозон гуруч дам-

лаб, ош берадиган, қўша-қўша машиналарни қаторлаштириб, иззат истайдиган, бадавлат кишиларни йўл, кўприк, мактаб, шифохона қуриш ўрнига унча-мунча музейдан қолишмайдиган тўйхоналар, рестороанлар қурадиган, ичкиликка бўккан оломон даста-даста пул сочадиган, ширакайф, ярим-яланғоч қиларимиз, аёлларимиз оталари, эрлари олдида

Бехбудийнинг фиғони
Ёзмоқчи бўлаётганимиз эски, аммо замонга қараб шаклу шамо-

ЭСКИ ДАРДГА ЯНГИ ДАВО КЕРАК

ёхуд бугунги тўйлар, маърака ва маросимлар ҳақида ўйлар

эканмиз, унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилишимиз, ўрганишимиз, ҳулоса чиқаришимиз шарт. Зеро, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган тўй, маърака ва маросимлар ўша омилларнинг бир бўлиги ҳисобланади.

Унда дабдабали, серҳашам тўйлар, на ўликка, на тирикка нафти тегмайдиган эҳсонлар қаердан пайдо бўлган? Донимандлар бу шухратпарастликнинг, манманлик ва такаббуриликнинг оқибатидир,

одамга қилаётган ишларимиз тел-баликдек кўриниши аниқ. Ахир, тўй-маъракаларимиз бошдан охир еб-ичишдан иборат. Таом устига таом. Бошига мусибат тушган ўғил отасини ерга қўяр-қўямас бозорга югурди. Бу девоналик бўлмай, нима?

"Мухтасари виқоя" китобининг шарҳида бир кишининг уйда мусибат бўлиб, ота-онасидан ёки

ОГОҲЛИК ДАВР ТАЛАБИ

Бекобод шаҳар тиббиёт коллежида "Огоҳлик давр талаби" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси вакиллари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ёшлар орасида ичкилик, қашандлик, гнётчандлик каби иллатларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишини ташкил этиш йўл-йўриқлари ҳақида фикр билдирдилар.

"Аъмомимиз ёинки мурудимиз"

Орзу ҳавасли халқмиз. Мақсад ва ниатларимизнинг чек-чегараси йўқдек. Жонимизни жабборга бериб ишлаймиз, ўз юртимизга қаноат қилмай, хорижга чопамиз, мол-дунё тўплаймиз. Нима учун? Уй курсам, тўй қилсам, қилганда ҳам бошқаларникидан зиёда бўлса, деб орзу қилаемиз. Оқибатда ўн-ўн беш йил йиққанамизни бир кунда елга соғураемиз.

Бир тадбиркор танишим одамнинг қандайлигини билмоқчи бўлсанг, қўлига пул тутқаз. Бозорга чопандан умид қилма, ундайлар тирик пулни ўлик матаҳга айлантириб, сандиққа жўлайди. Аймакларга югурдандан эҳтиёт бўл, бир қўни сени ҳам ютиб юбориши мумкин. Пулни олиб уйига жўнаган одамдан нимадир кутса бўлади. Ундайлар бу маблағни қаерга сарфлашни ўйлаб қўриш, мулоҳаза қилиш, ақл билан иш юритиш учун аввал уйига борадилар, деган эди. Афсуски, кўпчилигимиз қўлимизга пул тушса, бозорга чопамиз. Ўғлим улғайиб, қизим бўй етиб қолди, деймиз. Йиққанамиз-йиққан.

(Давоми 4-бетда).

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 23 сентябрь куни Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Озарбайжон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, сармоя, илм-фан, ахборот технологиялари, сайёҳлик, транспорт ва транспорт коммуникациялари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Ботир Ҳўжаев мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасида солиқ соҳасида ҳамкорлик ва ахборот алмашиш, гуманитар ҳамкорлик, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлики янада ривожлантириш чора-тадбирлари, темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик ва комбинациялашган таъшувлари янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, аэро-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битимлар имзоланган.

Ўзбекистон ва Озарбайжон савдо-иқтисодий алоқалари ривожлантириш борасида улкан салоҳиятга эга. Ўзбекистонда озарбайжонлик шериклар билан тузилган ўттиздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар энергетика, энгил санаят, машинасозлик, металлчи қайта ишлаш, сугурта, фан-технология, озиқ-овқат, зарғарлик, қурилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларга иxtисослашган.

Мажлисида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда ўз вақтида амалга оширилган инқирозга қарши чоралар боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаватгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди.

Томонлар ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва ўзаро савдога маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларини муҳокама қилди. Ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш учун банк-молия муассасалари алоқаларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлики янада мустақамлаш ўзасидан фикр алмашилди.

Мадина УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

ТАДҚИКОТ

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ўз ҳақ-ҳуқуқларини

англашлари катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқий билим даражаси юқори бўлмаган жамиятда қонун ва ҳуқуқ тўғрисида гап юритиш ўринсиз.

РАҲБАР ҲУҚУҚИЙ САВОДХОН БЎЛИШИ ШАРТМИ?

Ҳуқуқий маданият кенг тушунча. Унинг гоят муҳим таркибий қисмларидан бири ҳуқуқий онг бўлиб, у аввало одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қараш ва эътиқодлари, ҳуқуқ бора-сидаги тасаввурлари, интилиш ва туйғуларидан иборат.

Шу туйғули фуқаролар Конституцияда белгиланган ҳуқуқларидан тўла фойдалана олишлари, улар ким томонидан бузилишидан қатъи назар, ҳимоя қилиш таъминидан хабардор бўлишлари муҳим шарт ҳисобланади.

Шу маънода фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари конституциянинг махсус бўлимида ўз ифодасини топган. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари Асосий Қонуни-мизнинг 24-31, сиёсий 32-35, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари 36-42-моддаларида акс этган.

Конституцияда жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштироки эътибор қилинган. Биринчиси уларнинг бевосита иштироки бўлса, иккинчиси ўз вакиллари орқали иштирок этишидир. Токи жамиятнинг ҳар бир аъзоси

ўз ҳуқуқи, жумладан, шахсий сиёсий ва иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида теран англамас экан, ислохотлару янгиланишлар қутилган самарани бермаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги қарори ва Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганишни ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармойишида ҳам умумда давлат миқёсидаги ялпи сиёсий-ҳуқуқий ва маърифий жараёнга катта эътибор қаратилган.

Азал-азалдан халқимиз менталитети ва қадриятларида қонунга итоат этиш, унга бўйсуниб яшаш қучли бўлган. Бироқ ҳар қандай ҳолатда халқ адолатни талаб қилган. Чунки адолат йўқолган жойда одамлар ҳаёти ва қадр-қимматини муҳофаза қиладиган ҳеч қандай восита қолмайди. Демак, раҳбар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида адолатни талаб эта олиши учун, аввало, ўз ҳуқуқий онгини ошириши зарур.

САЛОМАТЛИК



ТАШҲИС ЗҲР, ДАВО МУКАММАЛ

Оққўрғонликлар туман марказий шифохонасида яратилган қулайликлар, кўрсатилаётган хизматлардан мамнун. Шифохона замонавий ус-

лубда таъмирланган, ташҳис, терапия, жарроҳлик, неврология, жонлантириш ва бошқа бўлимлар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Бўлимимиз бир йўла 30 беморни қабул қилишга мўлжалланган, — дейди жонлантириш бўлими шифокори Жамолддин Азимов. — Беморларга сифатли хизмат кўрсатиш, дори-дармонларни вақтида етказишга ҳаракат қиламиз. Уларнинг соғлигини ҳар куни текшириб, назоратдан ўтказамиз.

Ирода НОРБОВЕВА.

СУРАТЛАРДА: ички касалликлар бўлими мудири Комилжон Абдуқудисов ҳамширалар билан беморларни текширмоқда; шифокорлар Фарида Тўраева, Зулфия Дўсанова бемор саломатлигини кўздан кечиришмоқда. Пардавий ЭРГАШЕВ олган суратлар.



1 ОКТАБРЬ – ҲИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, таълим ва фан ходимлари касаб яушмалари вилоят кенгаши

барча устоз ва мураббийларимизни яқинлашиб келаётган касб байрамлари билан қизгин муборақбод этади. Сизларга мустақам соғлиқ, шарафли саъй-ҳаракатларингизда катта муваффақият, эзгу ишларингизга омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИ ҲЙЛАБ...

Ҳар бир авлод зиммасида ўтган аждодлардан қолган буюк маънавий қадриятларни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга етказиб беришдек улкан масъулият туради. Жамиятда бу улғу масъулият туйғусини шакллантириш, баркамол авлоднинг вояга етказиш энг аввало ўқитувчиларга, уларни шундай эзгу ишларга сафарбар этиш, руҳлантириш эса қучли раҳбар ҳамда иқтидорли етакчиларга боғлиқ.

Бизнинг авлод улғу бунёдкорлик даврида яшаётган экан, пировард мақсадимиз бўлган қучли жамият, қудратли давлат қуриш, энг аввало, миллат тарбиясини бўлган ўқитувчилар олдида жиддий вазифалар қўяди.

Ўқитувчилар жамият аъзолари онгида миллий мафкура гоёларига ва эртанги кунга ишонч, буюк маънавий қадриятларга садоқат туйғусини шакллантириш орқали эн-юрт тараққиётига катта ҳисса қўшади.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам таълим тизими фаолиятини мазмунан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича тизимда бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, ўқувчилар билимининг баҳолашнинг асосис мурақаблаштирилган, ортикча ҳисоб-китоблар талаб қиладиган эски рейтинг тизими бекор қилиниб, содда ва такомиллаштирилган янги рейтинг тизими жорий этилди. Мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчилари, етакчи олим, услубчи ва му-

тахассисларидан иборат 29 та ишчи гуруҳи тузилиб, улар давлат тест синовлари, уларга берилган шарҳлар, ўқув дастурлари ва дарсликларни тўлиқ таҳлил қилишди, 813 соат ҳажмдаги мавзулар мақбуллаштирилди. Шундан, 247 соат ҳажмдаги мавзулар умумий ўрта таълим ўқув дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига, 327 соат ҳажмдаги мавзулар синфдан-синфга ўтказилгани, 239 соатлик мавзулар такорланганлиги учун қисқартирилгани ҳам тизим самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўқитувчиларнинг иш юкларини белгилаш ва тақсимлаш тўғрисидаги йўриқнома янги таҳрирда ишлаб чиқилиб, жорий этилди.

Таълим тизимига янгича қараш ва гоёлар таъбиқ этилаётгани ҳам қувончли ҳол. Хусусан, "Устоз-шогирд мактаби" йўналишига 200 та туман (шаҳар)лардан 18 та умумтаълим фанларини кесимида 2241 та мактаб қамраб олинди. Улардаги 3600 тажрибали устоз-ўқитувчиларга 10 миң 800 шогирд-ўқитувчилар бириктирилди.

Халқ таълими бошқармаси

Феруза ОЛИМОВА,
вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи.

ИЛМИЙ-АДАБИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Бобур номидаги жамоат фондининг фаолиятга бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур фонд томонидан ташкил этилган тадбирда тарихчи ва адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шoirлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Бобур номидаги жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов, адабиётшунос олимлар Азиз Каюмов, Ҳамидулла Болтабоев ва бошқалар мустақиллик йилларида Президентини Ислам Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни тиклаш ва замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш авлоднинг миллий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самара бераётганини таъкидлади. Бу жараёнда буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиш ва кенг жамоатчиликка тақдим қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақилликнинг илк йилларидан изчил фаолият юритаётган Бобур номидаги жамоат фонди буюк бобомиз Захриддин Мухаммад Бобурнинг бой меросини ўрганиш, тадқиқ ишлар қилишда муҳим ўрин тутаётди. Ана шундай изчил ишлар натижасида Ватанимиздан четта олиб кетилган қўлга бебаҳо қўлёзмалар юртимизга қайтарилди. "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи ташкил қилиниди, видеофильмлар ишланиб, бир қатор китоблар нашр этилди.

У. ҲУБОВ,
ЎЗА мухбири.

ҲИМОЯ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Тошкентда "CAIPS 2010 – қўриқлаш, хавфсизлик ва ёнига қарши ҳимоя" мавзусидаги туртинчи Марказий Осиё халқаро кўргазмаси очилди.

Кўргазма "ITE Uzbekistan" компанияси томонидан Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзмахсусимпекс" давлат корхонаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этилди.

— Туртинчи мартаба ўтказилаётган CAIPS кўргазмасида мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича мутахассислар иштирок этмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг ўринбосари Музаффар Солиев. — Ушбу тадбир хавфсиз жамиятни шакллантириш ва модернизация қилишда иштирок этаётган барча таълимчиларнинг тажрибасини ўрганиш, бу борада атрофича фикр алмашиш учун кенг шарт-шароит яратди. Кўргазмада қатнашаётган мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан — "СЕТКО" масъулияти чекланган жамияти видео кузатув, хабардор қилиш тизимлари, кичик АТСлар ва хавфсизликни таъминлайди-



ЎЗА.

ДЎСТИК РИШТАЛАРИ

ҲИНДИСТОНЛИКЛАР «УМИД ГУЛШАНИ»ДА

Қибрай туманидаги "Умид гулшани" сиҳатгоҳида ажойиб дўстлик кечаси бўлиб ўтди.

Ҳиндистон элчихонаси, Лалъ Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази, Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлик ташкилоти ва вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан ўтказилган тадбирда ҳинд санъати мухлислари, "Катхак" рақс дастаси аъзоларининг чиқишлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

— Қадимий ҳинд рақсларидан бири катхакни севиб ижро этаман, — дейди Асал Қўзиева. — Бир қарашда ранго-ранг жило-

ларга бой бу рақс ўзига хос хусусиятга эга. Рақс ҳосанинг либоси, ҳар бир ҳаракати, юз ифодаси алоҳида маънони англайди.

Дарҳақиқат, ҳинд катхакнинг жилвақор либослари, мусиқаси, рақсларининг мухлислари талайгина. Ҳиндда либос кийган ўзбекистонлик йигит-қизларнинг маҳорати туйғули қизиқарили ва ниҳоятда жозибали ўтган дўстлик кечаси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 27

Table with TV schedule for Dushanba 27, including channels like O'zbekiston, YOSHLAR, and TOSHKENT with program titles and times.

СЕШАНБА 28

Table with TV schedule for Seshanba 28, including channels like O'zbekiston, YOSHLAR, and TOSHKENT with program titles and times.

ЧОРШАНБА 29

Table with TV schedule for Chorshanba 29, including channels like O'zbekiston, YOSHLAR, and TOSHKENT with program titles and times.

ПАЙШАНБА 30

Table with TV schedule for Payshanba 30, including channels like O'zbekiston, YOSHLAR, and TOSHKENT with program titles and times.

ЖУМА 1

Table with TV schedule for Juma 1, including channels like O'zbekiston, YOSHLAR, and TOSHKENT with program titles and times.

Республика кўп тармоқли Агроекономика биржаси Тошкент филиали томонидан баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига Юнособд тумани СИБ томонидан 20.01.2009 йилдаги № 1-557/08-сон ижро варақасига асосан Уз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган 2006 йилда и/ч., дав.бел. 10 Q 2004 бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси, бошлангич нархи - 8 941 342 сўм.

Тузатиш: 2010 йил 17 августдаги № 159-сон "Тошкент оқшоми" ва 2010 йил 14 августдаги № 64-сон "Тошкент ҳақиқати" рўномасида эълонга берилган: "Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2009 йил 12 октябрдаги № 10-0907/13383 сон ижро варақасига асосан АЖ "Узугуржисавдо" корхонасига тегишли бўлган" деб ўқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси "Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этилади!

Аукцион савдосига такроран Зангиота тумани СИБ томонидан, Зангиота тумани, "Матуботсавдо" МЧЖ омборида сақланаётган 12.02.2008 й. №21 ижро ҳужжатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. "BMW-520" русумли, д/р Х920OSM бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси.

Аукцион савдосига 2010 йил 12 октябр кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Тошкент виллояти корхоналари, ташкилотлари ва аҳолиси (Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларидан ташқари) диққатига!

Тошкент виллояти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариши бошқармаси маълум қилдики, 2010 йил 1 октябрдан иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги маҳаллий тарифлар белгиланади (виллоят молия бошқармаси томонидан 2010 йил 15 сентябрда тақдим этилган ТВ-08-11-3-2010/2 рақамли реестрга мувофиқ):

- улгуржи истеъмолчилар учун: - 1 Гкал. учун қўшилган қиймат солиғисиз 20802 сўм; аҳоли учун: - марказий иситиш учун - 1 кв.м. тураржой майдони учун 366 сўм; - иссиқ сув таъминоти учун - 1 одам учун бир ойга 3613 сўм; - иссиқ сув ўлчағи ўрнатилган бўлса, 1 куб м. учун 831 сўм.

ООО "ART MEMORY PLUS" Мирабодского району (ИНН 301603711, ОКПО 23281237) ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

ООО "ABB ENERGIK" (ИНН 301199258, ОКПО 22774819), зарегистрированное инспекцией гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхонтоҳурского района г. Ташкента № 001797 от 25 мая 2009 года прекращает свою деятельность в связи со слиянием с ООО "ELEKTRIK KONTAKT" (ИНН 202420776). Правореемником всех прав в отношении кредиторов, включая и обязательствоспариваемые сторонами, является ООО "ELEKTRIK KONTAKT".

Утерянные документы на квартиру по адресу: г. Ташкент, Хамзинский район, 23-партсъезд, дом 22, кв. 192 (ул. У. Исмоилова, д. 22, кв. 192).

Утерянный план квартиры, договор купли-продажи, домовую книгу выданный БТИ Мирзо-Улугбекского района по адресу: г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, массив Черданчева-2, дом 3 кв. 6 на имя Хидоятилло Мухаммад Карим, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Утерянный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент, Юнусбадский район, 10-квартал, дом № 3, кв. 63, выданный Юнусбадским БТИ на имя Иргашева Давронжона Рахимовича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Узбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2005 йил 24 октябрда Шарипова Зумрат Ашраповна номига берилган нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш (реестр рақами № 223) ТН 000228 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 10.09.2004 йилда № 000436-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 205218003) "AMBEX INTERNATIONAL" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалок муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 02.07.2009 йилда № 05-077756 рақам билан рўйхатга олинган (ИНН 601290010) яқка тартибдаги тадбиркор Хусайнов Ильяз Тахировичга тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота тумани БТИ томонидан Зангиота тумани, Чигатои Октепа к.ф.й., Гузал кўчаси, 2-уйга тегишли бўлган (Архив № 85, дело рақами 628) уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Учтепа тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2009 йил 4 мартда № 002732-01 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "MANMUDBEK MARDONBEK MAVLONBEK" (ИНН 301086937, ОКОНХ 71280) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини эълон қилади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариш туради, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан эсётган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан секундида эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда қуйиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариш туради, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан эсётган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан секундида эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда қуйиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариш туради, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан эсётган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан секундида эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда қуйиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариш туради, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан эсётган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан секундида эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда қуйиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.



Об-хаво

Республика Гидрометеорология марказини хабар беришича, 25 сентябрь кунини Тошкент шаҳрида ҳаво ўзгариш туради, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан эсётган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан секундида эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда қуйиб, секундида 12-17 метрга етади. Кечаси 11-13, кундузи 26-28 даража иссиқ бўлади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариш туради, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан эсётган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан секундида эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда қуйиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 8-13, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

Тоғли туманларда ҳаво ўзгариш туради, ёнғинчилик бўлмади. Шарқдан эсётган шамол йўналишини ўзгартириб, гарбдан секундида эсади. Шамолнинг тезлиги айрим жойларда қуйиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 3-8, кундузи 11-16 даража иссиқ бўлади.

МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Пойтахтимизда "Мустақил юрт фарзандларимиз" мавзусида болалар расмлари кўргазма-танлови бўлиб ўтди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар бадий ижодиёти маркази ҳамкорлигида иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга оид бир қатор маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда. "Мустақил юрт фарзандларимиз" кўргазма-танловидан кўзланган

асосий мақсад юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи истеъдодли болаларнинг самарали ва ижодий изланишлари билан жамоатчиликни, тенгқурларини таништиришдан иборатдир. Кўргазма-танловга болаларнинг тасвирий ва амалий санъатга оид икки юздан ортиқ ижодий иши келди.

Ижодий беллашув доирасида болалар расмлари кўргазмаси ўтказилди. Уза.



Рукопашный бой

Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва ҳаққни тўғри айтган бaxтли бo'лишлари шарт

Хамма нарсани, ҳаттоки, инсоний муносабатларни ҳам тўй-маърака билан ўлчашга одатланиб қолганмиз. Одамгарчилик, саховатпешалик деган тушунчаларнинг мезони ҳам ана шу маърака-маросимларда гўё "Ният қилиб юрган экан, мана, тўрт кундан кейин ўғил кўриб, биздан қиллаб тўй қилиб берди. Отасига раҳмат Арақ дегани сувдек оқди ўзим. Столда қанча шиша очилмай қолиб кетди. Мана шундай тўй қилади йигит деган!" дея бор-будини совурган бераҳнинг кўпчилиги сув пуркаймиз.

Айрим оилаларнинг бузилиши, баъзи аёлларнинг қон йиғлаши, қайсибир йигитнинг қадди букилиши сабаби ҳам шу тўй тўфайли. Уғлини бўлмас, қандай элга қўшилиман, элга ош бермасам, нетиб элининг ошинеи ейман, деб ҳасратидан чанг чиқадиганлар оз эмас. Тўй биз учун ҳамма нарса. Топганинг тўйларга буорсин! Бошинг тўйдан чиқмасин! Гам кўрма, тўй кўргин, деб дуо қилади кексаларимиз. Тўйларга келайлик, дея юзига фотиҳа тортади ўрнидан кўзгалаётган меҳмон. Бундан яхши дуо борми?!

Миллатимиз муомала-машваратли, кенгашли миллат. Тўйдир, азадир, бир-биримизга елка тутамиз. Маърака-маросимларимиз ўзаро алоқалар, муносабатларни мустаҳкамлайди. Халқимиз топганини эл-юрт билан баҳа кўрадиган халқ. Ўзбеки тўйис тасаввур қилиш қийин. Тўйчилик, фазл-баракат, осовийшлик бор жойда тўй бўлади. Тўй – фаровонликнинг белгиси. Тўйлар, қанчалик кўп бўлса, шунча кўйин. Фақат меъёрни унутмасак, мақсад муқддоимаси фақат тўй қилиш бўлиб қолмас, элга ош бермагани одам каторидан чиқариб қўймасак, ишини, вақтини қизганинг тўйга боролмагани элдан ажратмасак, бас!

Нима учун пешона терими эвазига йиллаб йилка-нимизани хайрли мақсадларга, дейлик фарзандларимизнинг илим олиши, тўкс яшаши, муҳтожларга яхшилик қилиш учун сарфлашимиз мумкин эмас. Зеро, Президентимиз инсоннинг онги, тафаккури, дунёқарши ўзгармас экан, унинг ҳаёти, ҳаётга бўлган муносабати ўзгармайди, деганида, кишлоқларимиздаги пахса деворли, кўрмасис товлар ўрнида намунавий лойиҳа асосида замонавий уй-жойлар қуриш ҳаракатини бошлаганида, соғлом ва баркамол авлодни, мустақил фикрли ёшларни тарбиялашни, миллий маънавиятимизни қослтиришни бош вазира қилиб белгилаганида ана шу мақсадни – ҳеч қимдан кам бўлмай яшаш мақсадини илгари сурган эмасми?!

Ажойиб мақолларимиз, ибораларимиз бор. "Тенги чикса – текин бер", "Қарзга бўлса ҳам уйлан, қарздан қутуласан – хотин ёнингга қолди"... На тайинли маълумоти, на қўлида хунари бор йигитни уйлантиришди. Келин ҳам андигина мактабни битирган. Дабдабао аса-са билан тўй ҳам ўтади. Катталар буйнидаги вафасини бажарганидан хурсанд. Оқибатда бола-бақраси билан ота-онанинг нафақасини кўтиб яшайдиган яна бир оила пайдо бўлади...

Автобусда ногоҳ икки эиэлинома опохонинг сўхбати қулониға чалинди. "Фарзандларимизни ўқитамиз, тўй қиламиз, рўзгорини бутлаймиз, деб елиб-юғурдик. Хундога шукр, бугун барчаси ўзидан тинган. Аммо умр ўтиб (Давоми. Боши 1-бетда).

кетди, ўртоқжон. Ёшимиз бир жойга бориб қолди. Уйлаб қарасам, бирор марта на саёхатга, на дам олишга чиқмабмиз. Дадаси билан келишиб, уй-жой, дов-дастакни бола-ларга ташлаб, бир хонали квартира олиб чиқиб кетдик. Ўзимиз учун яшагга қарор қилдик", деди аёллардан бири.

"Ажаб қилибсизлар. Мана, биз ўзларини боққанамиз етмаганидек, болаларига ҳам қараб ўтирибмиз. Бир кун хотиржамлик йўқ. Кичкинаминг ўғилларига суннат тўй қилиш ҳаракатидамик. Мундайроқ ўтказаврайлик десак, бу ёқда қудалардан уяламиз, деди иккинчи опохон.

Беҳбудий ҳазратлари таъбири билан айтганда, агар

турган аёллар... Стол атрофидигилар билан омон-эсонлашиб улгурмасимиздан мусиқа бошланди. Кўп ўтмай модалар кўргазмаси тўйхона марказига кўчди. Туркча, арабча оҳангларга қилчанглаб рақс тушаётган қиз-жувонларнинг қилқиллари кўрган кишини ўсал қилади. Таниш-билишлари, аҳтимол оталари, акалари, эрлари уларни олқушлаган каби турнактор бўлиб пул қистиради. "Кези келганда айтиб ўтай – пул қистириш одати энг хунук, энг расво одатдир. У бизга бачабозлик замонларидан мерос қолган. Гап ўйнаган бойвачалар бесоқолини ўйлатиб қўйиб, шода-шода пуллардан қойил ясаб уларга ишқибозлигини изхор этган. Бугун

киши шундай қилдилар. Токи, қўли қалта кишилар Пайғамбар (с.а.в.) қизини дабдаба билан узатибди, деб ўқимасликлари учун шундай йўл тулдилар. Айримларимиз эса андишани унутиб, қим узарга тўй қилишдан қарачамаймиз. Дабдабали тўй-ҳашамларни ўқазиб қўриб етмаган ор-номусли кишиларнинг қўзига қарашдан уялмаймиз. Кичкинагина бешик тўй учун миллион-миллион сўм пул керак бўлади. Уртача уч юз-тўрт юз миғ маош оладиган киши биргина шу тўй учун қанча вақт йиғиниши лозимлигини ҳисоблаб чиқиш қийинмас. Уч-тўрт йилдан бери хорижда ишлаб юрган ақин бир танишим икки ўғлини уйлантириш учун 10 миғ АКШ долларига ақин маблағ сарфлаганини, оруз-ҳавас жуда қимматга тушганини, биргина "ЗАГС" деган зорманда учун уч-тўрт миллион сўм пули кетганини айтиб, зорланиб қолди. Аммо уни қим бунга мажбур қилди? Хор-зорликни буйинига олиб хорижда топган пулингни бир кунлик тўйда сомонадай соч, деб қим ўргатди?! Қон-қонимизда гимирлаб юрган шухратпарастлик эмасми?!

Оила ҳаиятининг кичик бўлаги. Унинг тўйчилиги жамият фаровонлигини белгилайди. Оила даромади, бюджет жамият бўлиги, давлат бюджети билан чамбарчас боғлиқ. Пул меники, уни қандай сарфлаш ўзимнинг ишиси. Хоҳласам дабдабали тўй қиламан, истасам даңгиллама иморат соламан, менга ҳеч қим хўжайин эмас, деб ҳисоблайдиганлар нақадар қалтабин кишилардир. Ундайлар бойлигимизни ҳаётий орузлар учун совуришимиз охир-оқибат ўзимизга, миллатимизга зиён эканини ҳеч қачон тушунмайдилар.

"Барчамизга аён бўлиши керакки, қаредки бепарволик ва лоқадиллик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг оғир ва заиф нуқтага айланади. Ва, ақинча, қаредки вақтги уйланиб қўйган эканимизда, ака", деди киноя билан. Олазарак бўлиб атрофта боқдим. Ҳавас, қизиқиш, антиқилиш, олқушлаш, маъқуллаш... Ҳайрон бўлаётган, ахир, бу бизнинг ахлоқимизга, ўзбекчилигимизга энг одат-ку, деётган ниғонини дегрили учратмадим. Яна "Ер-ёр" фильми ёдимга тушди.

Тўй охирлаб қолганида шовқин-сурон тиниб, соқин мусиқа бошланди. Келин-куёв давра ўртасига қичиб вальс туша бошлади. Бу ҳолатни менга ўшаб биринчи бор кўраётган шеригим "анча вақтги уйланиб қўйган эканимизда, ака", деди киноя билан. Олазарак бўлиб атрофта боқдим. Ҳавас, қизиқиш, антиқилиш, олқушлаш, маъқуллаш... Ҳайрон бўлаётган, ахир, бу бизнинг ахлоқимизга, ўзбекчилигимизга энг одат-ку, деётган ниғонини дегрили учратмадим. Яна "Ер-ёр" фильми ёдимга тушди.

Бор борича, йўқ ҳолича...ми?
Президентимиз Ислам Каримовнинг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган фармонида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишда кўп жойларда шухратпарастлик, дабдабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-ахволини инобатга олмаслик каби собақага айланиб кетиш ҳолатлари дабдабали тўй-ҳашамларни ўтказишга қўриб етмаган ор-номусли кишиларни оғир ахволга тушириб қўяётгани таъкидланди.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қизлари Фотима (р.о)ни узатишдан аввал Мадинадаги энг камбағал киши қизига қандай сеп қилишини сўрадилар. Битта тошқозон, битта қўйлақ, битта бўйра, битта кўрпа қилади, дейишди. У

Навоий шахрида қўл жанги бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. "Қўл жанги" федерацияси ташкил этган мусобақада Бекобод шаҳар жамоаси иштирақ этиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар.

СУРАТАА: (чапдан) М. Шукурова олтин, Ш. Норхўжаева, Д. Сафаршоева ва кумуш, Х. Тўрабоева, И. Ҳасанова бронза медалларига эга бўлишди.

ДАСТАБКИ ГАЛАБА

Россиянинг Хант-Мансийск шахрида ташкил этилган жаҳон шахмат олимпиадасида 158 мамлакатдан 1376 нафар спортчи қатнашмоқда. Қонда кўра, эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда қатнашадиган терма жамоалар таркиби бештадан шахматчидан иборат. Бир учрашувга жамоалар тўрттадан ўйинчини туширади ва голиб томон тўрт партиянинг умумий натижасига кўра аниқланади.

Хар икки йилда бир мартаба ташкил этиладиган жаҳон шахмат олимпиадаси ўн бир турдан иборатдир.

Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси нуфузли мусобақанинг биринчи турида Кипр вакилларига қарши дона сурди. Мурабийлар қарорига кўра, терма жамоамиз етакчиси, 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов дастлабки тур ўйинида иштирок этмади. Шундай бўлса-да, ҳамюртларимиз рақиб жамоа устидан 3:1 ҳисобида зафар қучди.

Ҳамюртларимиз навбатдаги турда Канада вакилчиликларига қарши дона сурди. Уза.



ЭРОН УЧУН НЕТАНИЯГУ ҲЕЧ КИМ ЭМАС

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинежад америкалик таниқли телешошловчи Ларри Кингга интервью берди.

Аҳмадинежад Исроил бош вазири Биньямин Нетаниягунини хиддий айблаган бир соатлик интервьюнинг бир қисми CNN сайтга жойлаштирилди. Эрон давлати бошлиғи телешошловчининг "Эрон ядро қуролига эга эмаслигини очик айтиб, Исроилни хотиржам қилса бўлмайди" деган саволига "Нима учун биз жано Нетаниягунини юпатишимиз керак экан? У қим

бўлибди ўзи? Аслида – тажрибали қотил. Уни аёллар ва болалар ўлими учун суд қилиш керак", дея жавоб берди.

Маҳмуд Аҳмадинежаднинг гапларига қараганда, ядро бомбаси Эронни "қизқирмайди" ва умуман, ундан ҳеч қандай "наф" йўқ. Президент Исроил ва АКШни қуролсизлантиришни таклиф этди, чунки, "уларнинг бомбалари тинчликка таҳдид солади", деди у.

ҚОЧОҚЛАР ҲАҚИДА

Қочоқ Сиднейдаги иммиграция маркази томига чиқиб олиб, агар сиёсий бошпана беришмаса, ўзларини томдан ташлашмоқчи

Agence France-Presse агентлигининг шу ҳақда тарқатган маълумотиға қараганда, 20-30 ёшли қочоқлар орасида хомилдор аёл ҳам бўлиб, улар ватанларига қайтишса, жиний таъқибга учрашлари мумкин экан. Австралия қонунариға мувофиқ, сиёсий бошпана сўровчилар уларға виза берилгунча, мажбуран ушлаб турилиши керак. Кейинги пайтда яширин қочоқлар қўйиб кетганиги сабабли мамлакатда махсус марказлар очилди.

НИГОХ

ИШОНЧ РИШТАСИ

қун сайин нозиклашиб бораёпти, у қутилмаганда узилиб кетиши мумкин

Тожиқларни ҳамон бир масала – Роғун ГЭСи акцияларини сотиб олишдан бир амаллаб қутулиб қолиш, агар иложи бўлмаса, лоқал камроқ акция сотиб олишга эришиш илнни қийнаб келаяпти. Мамлакатдаги ҳақиқий вазиятдан беҳабар киши, бугун республикада нималар содир бўлаётганини тушуниши қийин. Сирасини айтганда, Беистисно, барча аҳоли ГЭСнинг қимматли қозғонини сотиб олишга зўрлаб мажбур қилинаётгани куракда турмайдиган ишдир. Қолаверса, Роғун акциялари аслида қимматли эмас, балки оддий қозғидир.

Республика президентининг акция масаласидаги халққа мурожаати мамлакатдан ташқарида том маънода қабул қилинаёпти. Тожиқистоннинг ўзида эса, давлат бошлиғининг илтимоси, ҳеч сўзсиз, бўйруқ қучига эга бўлиб, уни бажариш мажбурийдир. Шу боис Имомали Раҳмон ГЭС акцияларини "ихтиёрий" харид қилиш ҳақида халққа илтимос билан мурожаат қилганида, каттаю кичик аҳоли тушунадики, хоҳлашгани-хоҳламайсани, ҳукумат оддий фўқаролар ҳаёминини ўмарди.

Аҳоли "Ўз хоҳиши билан" қанча акция сотиб олганини Тожиқистонда ҳеч қим билмайди. Айтиш мумкин, қун сайин титилиб, нозиклашиб бораётган "ишонч риштаси" исталган пайтда узилиб кетиши мумкин. Аҳолининг норозилиғи қучаймоқда. Уларни таъбиий, ҳақиқ саволлар қўйнамоқда. Айтилайик, бозорда бир қоп ун 90-100 сомоний, Роғун ГЭСи акцияси эса 200 сомоний туради. Халқ аҳолидан биринчи бор пул йиғиб олинганидан сўнг ўта ноқор ахволга тушиб қолганидан зорланяпти. Қундалик рўзгорларини бир амаллаб

охлади тушунадики, хоҳлашгани-хоҳламайсани, ҳукумат оддий фўқаролар ҳаёминини ўмарди. Аммо, эндиликда ҳукуматнинг аҳолидан пул йиғишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар чок-чоки

охлади тушунадики, хоҳлашгани-хоҳламайсани, ҳукумат оддий фўқаролар ҳаёминини ўмарди. Аммо, эндиликда ҳукуматнинг аҳолидан пул йиғишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар чок-чоки

охлади тушунадики, хоҳлашгани-хоҳламайсани, ҳукумат оддий фўқаролар ҳаёминини ўмарди. Аммо, эндиликда ҳукуматнинг аҳолидан пул йиғишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар чок-чоки

ЗАКАЕВ НЕГА ХИБСАГА ОЛИНМАДИ?

Илгари хабар берилганидек, ўзбошимчилик билан эълон қилинган Ичкерия республикаси етакчиси Аҳмед Закаев Бутунжаҳон чечен конгрессида қатнашиш учун Польшага келган эди.

Россия Федерацияси бош прокуратураси Польшада Закаевни экстрадиция қилишни талаб этди. Варшава прокуратураси суддан Закаевни хибсага олишни сўради. Аммо, суд бу талабни рад этди. Ҳақиқатан ҳам Ичкерия етакчиси ушла-ниб, сўроқ қилиниб, Варшава прокуратураси суддан уни 40 кунга қамашни талаб қилганди. Бироқ суд Закаев Буюк Британияда қочоқ мақомига эга бўлгани боис,

уни хибсага олиш мумкин эмаслигини маълум қилди. Озод этилганга, Закаев вақтинча Лондонга қайтди ва Польшага визасини янгилашга заруригини айтди. Унинг шериклари айтган гапларга қараганда, чеченистонлик етакчи ростдан ҳам ақин вақт ичида Польшага қайтди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

РАССОМ ХАНДАСИ



— Қарзга ботмасам бўлди... ФҲД

БЕКАЖОН

ОШҚОВОҚЛИ САЛАТ

Масаллик: 200 г. ошқовоқ, 1 та катта ширин олма, 2 ош қошиқ нордон мева ёки анор шарбати, қирғичдан ўтказилган апельсин ёки лимон цедраси, 1-2 ош қошиқ асал ёки шакар, 2-3 ош қошиқ майдаланган ёнғоқ. Тайёрлаш: ювилган ошқовоқ тозаланади ва майда тишли қирғичдан ўтказилган ёки сомонсимон тўрталган олма қўйилади, нордон мева ёки анор шарбати, апельсин ёки лимон цедраси, асал ёки шакар қўйилади. Дастурхонга тортишдан олдин устига майдаланган ёнғоқ сепилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОХИДОВ
Мавзелимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Ирода НОРБОВЕВА
Соҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ